

Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Тошкент ш.

«10» 01 2021 й.

Низом асосида фаолият кўрсатаётган «AVTOTEXHIZMAT» МЧЖ Бошқарув раиси Джураев Н.Н., «Бажарувчи» сифатида ва «Ўзбекистон Республикаси "АВ" қўшма шirkати "БМ" филиали директори Арсиржанов С.А. қизил асосда фарий кўрсатиш» «Буюртмачи» сифатида, қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ АСОСИ.

1.1 «Буюртмачи» топшириғига биноан «Бажарувчи» белгиланган муддатда, буюртмага ва тўланган ҳажмга асосан, енгил автомобилни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишни ўз зиммасига олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ ШАРТЛАРИ.

2.1 «Бажарувчи» «Буюртмачи»дан унинг ёзма талабига биноан енгил автомобилни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун қабул қилади.

2.2 Техник хизмат кўрсатишнинг тури, таъмирлаш ишларининг рўйхати ва баҳоси «Бажарувчи» томонидан аниқланади ва «Буюртмачи» билан келишилади.

2.3 Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг муддати «AVTOTEXHIZMAT» МЧЖ бўлинмаларида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ҳолатида аниқланган ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- техник хизмат кўрсатиш – икки иш кунидан ошмаслиги;
- жорий таъмирлаш (кузовдан ташқари) – 15 иш кунидан ошмаслиги;
- бўёқни шилган ҳолда бўяш ишлари – 15 иш кунидан ошмаслиги;
- мураккаб кажжава-пайванд ишлари бўяш ишлари билан биргаликда – 45 иш кунидан ошмаслиги шарти билан.

Кўрсатилган муддатлар пул маблағлари 100% «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг инобатга олинади.

2.4 Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолатларда иккала томон Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгар ҳисобланадилар.

2.5 «Бажарувчи» автомобилларни кафолатли таъмирлашни ўз зиммасига олади. Бажарилган ишларнинг кафолати «AVTOTEXHIZMAT» МЧЖ бўлинмаларида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш "қондасининг 6.2.-моддасига асосан «Буюртмачи»га топширилади.

Иш сифати ва бажарилган ишлар ҳажми заказ-наряд ёки квитанцияга мослиги бўйича шикоятлар «Буюртмачи» томонидан қуйидаги муддатларда билдирилиши мумкин:

- техник хизмат кўрсатиш бўйича 15 кун давомида, босиб ўтилган йўл 1000 км дан ортиқ бўлмаган ҳолда;
- жорий таъмирлаш бўйича – 30 кун давомида, босиб ўтилган йўл 2000 км дан ортиқ бўлмаган ҳолда
- агрегатларни янгисига алмаштириш таъмири бўйича – ишлаб чиқарувчи корxonанинг кафолат муддати бўйича.

- агрегат ва узелларни қайта капитал таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича – 6 ой давомида ёки босиб ўтилган йўл 10000 км дан ортиқ бўлмаган ҳолда.

- кузов ва унинг элементлари таъмири бўйича – 6 ой давомида.
- қисман ва тўлиқ бўёклаш бўйича – 6 ой давомида.

Кўрсатилган кафолат муддатлари автомобилни «Буюртмачи»га топширилган кундан бошлаб инобатга олинади.

2.6. Томонлар шартнома мажбуриятларини амалга ошириш учун барча зарур имкониятларини ишга соладилар.

3. АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ВА УЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

3.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг автомобилни таъмирлаш учун ўз омборидаги эҳтиёт қисмлардан фойдаланади.

3.2. «Бажарувчи» O'z DST 1049:2003 ва «AVTOTEXHIZMAT» МЧЖ бўлинмаларида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қоидаларига биноан автомобилни таъмирлайди ва техник хизмат кўрсатади.

3.3. «Буюртмачи» автомобиль билан бирга таъмирлаш учун керакли агрегатлар, эҳтиёт қисмлар, мойлаш материаллари, совутиш ва чормоз суюқликларни ўз томонидан «Бажарувчи»га тақдим қилиши мумкин.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШНИНГ НАРХИ, ХИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ТАРТИБИ

4.1 Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг баҳоси бажарилган ишнинг дефект актига асосан аниқланади.

4.2 Автомобилни техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш баҳоси бажарилган ишлар турига қараб белгилашган вақт сарфига(норма-соат), белгиланган норма-соат нархига, эҳтиёт қисмлар, мойлаш

материаллари, совутиш ва тормоз суюқликларнинг кўрсатилган хизмат кундаги баҳосига қараб белгиланади.

4.3 Таъмирлаш учун ҳақ тўлаш «Бажарувчи» «Буюртмачи»га счет-фактура ёзиб бергандан сўнг 3 банк кун ичида амалга оширилади.

4.4 «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига автомобилни таъмирлаш учун 100% пул ўтказгандан кейин таъмирлаш ишларини бошлайди.

4.5 Автомобил таъмирлангандан сўнг «Буюртмачи» уни 3 иш кун ичида қабул қилиб олади.

4.6 Шартнома нархи ҚҚС билан 20000000 Дураев Н.Н. сўм.

5. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

5.1 «Буюртмачи»га автомобил техник хизмат кўрсатиш ва таъмирдан сўнг, у томонидан 100% тўлов амалга оширилган ҳолда, жорий формадаги ишончнома орқали топширилади.

5.2 «Буюртмачи» автомобилни қабул қилишга «Бажарувчи»нинг техник хизмат кўрсатиш станциясига заказ-нарядда кўрсатилган муддатдан 3 кундан (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) кейин келган ҳолда, «Буюртмачи» автомобилни ҳудудий сақланганлик баҳосини «Бажарувчи»га сақлаганлик хизмати учун, шу кунги баҳоси ҳолатига кўра ҳақини тўлайди.

5.3 Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун қуйидаги автомобиллар ва агрегатлар қабул қилинмайди:

- буюртма ишларини бажаришга тўсқинлик қиладиган усулларда илгари таъмирланган бўлса (конструкциясига асосан, ўзаро бир-бирига кириб-чиқиш йўли билан боғланадиган, маҳкамланадиган деталлар пайванд қилинган бўлса);
- кузов ва двигателларда завод рақам белгиси мавжуд бўлмаган ҳолда (рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари);
- техник паспортдаги кузов ва двигател рақам белгиларининг мос келмаган ҳолларида, ҳамда завод рақам белгиси тамғасини бузилиб, нотўғри қўйилган ҳолатларида.

6. ТОМОНЛАР МАЪСУЛИЯТИ

6.1 Агар «Буюртмачи» пул тўлаш муддатларини бузса, «Бажарувчи» «Буюртмачи» томонидан қарзларни тўлагунча автомобилга техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини тўхтатишга ҳақлидир.

6.2 Агар «Бажарувчи» техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш ишларини томонлар ўртасида келишилган муддат ичида бажармаса, у «Буюртмачи»га бажарилмаган ишнинг ҳар кунига 0,5 фоиз ўлчовида пеня тўлайди. Бироқ, пеня бажарилмаган ишларнинг умумий миқдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

6.3 Агар «Буюртмачи» автомобилга техник хизмат кўрсатилгандан кейин уни ўз вақтида олиб кетмаса, автомобилни «Бажарувчи»нинг ҳудудида сақлаганлиги учун, сақланган муддатга ҳақ тўлайди.

6.4 Томонлар орасида шартномага асосланган ёки асосланмаган ҳолда келиб чиққан низолар Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади. Тошкент шаҳар туманлараро Иқтисодий судининг қарори иккала томонига ҳам қатъий ва мажбурий ҳисобланади.

7. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1 Ушбу шартнома қуйидаги муддатга мўлжалланган «10 01» 2022 йилдан «31» 2022 йилгача.



7.2 Шартнома томонларнинг бирини огоҳлантирилиши натижасида бир ой муддатдан сўнг бекор қилинади.

7.3 Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Бажарувчи»да, иккинчи нусхаси «Буюртмачи»да бўлади. Уларнинг иккаласи ҳам тенг ҳуқуқли юридик кучга эга.

8. ЮРИДИК МАНЗИЛ, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ТОМОНЛАРNING ИМЗОСИ.

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»



Дураев Н.Н.

«10 01» 2022 й.

« » 2022 й.